

“Ёшлар ва қонун”
ҳуқуқий танловини ташкил этиш тўғрисидаги

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳалла ёшлари (кейинги ўринларда – ёшлар) ўртасида “Ёшлар ва қонун” Республика танловини (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танловни юқори савияда ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши масъул этиб белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва тилидан қатъий назар 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган барча ёшлар Танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Фақат мазкур танловни ўтказишга масъул бўлган ташкилотларнинг (Ёшлар ишлари агентлиги, Адлия вазирлиги, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар иттифоқи) ходимлари (ўқувчи ва талабалар бундан мустасно) танловда иштирок этиши мумкин эмас.

4. Республика ишчи гуруҳи келишган ҳолда Танлов низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

5. Танлов жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ёшларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий ҳуқуқ тизимига ҳурмат муносабатини шакллантириш, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларига нисбатан ҳуқуқий иммунитетини шакллантириш, қонун бузилиши ҳолатларига муросасизлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ўтказилади.

6. Танловни ташкил этишда қуйидаги вазифалар қўзда тутилади:

ёшларнинг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишда ёшларнинг ролини ошириш;

мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонлик барқарор муҳит шакллантирилишига эришиш;

ёшларимизда республикаимизда тасдиқланаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларига нисбатан ҳурмат ва риоя этиш ҳиссини шакллантириш;

ёшларни сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнларида фаоллигини оширилишига эришиш;

ёшларда ҳар қандай ислохотларга нисбатан дахлдорлик кайфиятини шакллантириш орқали демократик давлат барпо этишда самарали ёш авлод қатлами ўрни ва ролини оширилишига эришиш.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

7. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш Республика ишчи гуруҳи зиммасига юклатилади.

Республика ишчи гуруҳи:

танловни ўтказиш борасида қарор қабул қилади;

танловнинг асосий босқичлари ва тартиб-қоидалари ҳақида иштирокчиларни хабардор қилади;

барча иштирокчилар учун тенг шароитлар яратади;

танлов ўтказилишида ошкоралик ва шаффоқликни таъминлайди;

танлов иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этади.

8. Танловда иштирокчилар онлайн ариза топшириш орқали қабул қилинади.

9. Танловда ёшлар ўзлари яшаётган маҳаллалардан **8 кишилик** жамоа шакллантирган ҳолда иштирок этади.

10. “Ёшлар ва қонун” танловида республика босқичида 1-ўринни олган жамоалар ва уларнинг азолари иштирок этиши мумкин эмас.

11. Ҳар бир жамоада ҳуқуқшунослик бўйича олий маълумотга эга бўлган ёки шу йўналишда олий таълим ташкилотида ўқиётган талабалар **1 нафардан** кўп бўлиши тақиқланади.

12. Танлов қуйидаги иккита ёш тоифаси бўйича алоҳида-алоҳида тартибда ўтказилади:

танловга ҳужжат топшириш вақтигача 14 ёшга тўлган ҳамда 18 ёшгача;

танловга ҳужжат топшириш вақтигача 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшлар (30 ёшдагилар ҳам киради).

13. Маҳаллаларнинг танловда иштирок этувчи жамоаларини шакллантириш тегишлича Ёшлар ишлари агентлигининг маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

14. Танлов тўрт босқичда ўтказилади.

Танловнинг биринчи – саралаш (маҳалла) босқичи, **иккинчи** – сектор босқичи, **учинчи** – туман (шаҳар), **тўртинчи** – ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри), **яқиний бешинчи** – (республика) босқичлари апрель-июнь ойларида ўтказилади.

15. Танлов босқичлари қуйидагича ташкил этилади:

саралаш (маҳалла) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш ҳар бир маҳалла кесимида ёшлар етакчилари ва мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари томонидан 8 нафар иштирокчидан иборат, шу жумладан, жамоа сардорини шакллантирган ҳолда амалга оширилади;

сектор босқичини ташкил этиш ва ўтказиш ҳар бир туман (шаҳар) ҳузурида тузилган ташкилий ишчи гуруҳи томонидан белгиланади ва 5 кун олдин маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда масъул ташкилотлар вакилларига маълум қилинади. Сектор босқичи апрель ойида ўтказилади;

туман (шаҳар) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш санаси 5 кун олдин туман (шаҳар) ташкилий ишчи гуруҳи томонидан белгиланади. Туман (шаҳар) ташкилий ишчи гуруҳ таркибига Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлимлари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари, туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб

таълими бўлимлари, Ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашлари ва бошқа масъул ташкилотлар ходимлари киритилади. Туман (шаҳар) босқичи апрель-май ойларида ўтказилади;

худудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқични ташкил этиш ва ўтказиш жойи ҳамда санаси 5 кун олдин Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармалари, Адлия бошқармалари, Суд идоралари, Ички ишлар бошқармалари, Ёшлар иттифоқининг худудий кенгашлари, мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари, олий таълим муассасалари ва бошқа масъул ташкилотлар вакилларидан иборат ташкилий ишчи гуруҳи томонидан белгиланади. Худудий босқич май ойида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар марказларида ўтказилади;

танловнинг якуний (республика) босқичи бўлиб ўтадиган жой ва санаси республика ташкилий ишчи гуруҳ томонидан белгиланади ва 10 кун олдин худудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқичида қолиб бўлган (1-ўринни қўлга киритган) жамоалар ва масъул ташкилотларга маълум қилинади (ҳар бир иштирокчи агар бошқа маҳалла ёки худуддан эканлиги аниқланса барча натижалар бекор қилинади ва танловдан четланади).

Республика босқичи июнь ойида ўтказилади.

IV. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

16. Танлов **4 та** шарт асосида ўтказилади.

17. Танловнинг **1-шарти “Ҳуқуқий пеналти”** шарти бўлиб, қуръа ташлаш орқали 2 тадан рақиб жамоалар аниқлаб олинади ва иккала жамоа бир вақтда қатнашади.

Жамоаларнинг **5 нафардан** аъзоларига **1 тадан** навбатма-навбат саволлар берилади. **5 тадан** савол тўлиқ бериб бўлганда юқори натижа кўрсатган жамоа қолиб бўлади. Агарда **5 та** саволда натижа бир хил бўлиб қолса, **1 тадан** бир жамоа ютгунча савол берилади (*саволлар Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси ва ҳуқуқишунослик фанининг умумий асосларидан шакллантирилади*).

Шартдаги ҳар бир савол учун **1 дақиқадан** вақт ажратилади. Шартдаги баҳолашда ҳар бир берилган **5 тадан** саволга аниқ жавоб учун **1 баллдан**, пеналтидан ютган жамоага автоматик равишда **2 балл** тақдим қилинади. Ҳар бир жамоаларнинг фақатгина **5 тадан** саволларига балл берилади, тенг келиб қолиб, давом эттирилган саволларга балл берилмайди.

18. Қуръа ташлаш жараёнида туман (шаҳар)лар тоқ сон бўлиб қолганда (бу ҳолат тоқ сондаги маҳаллалари бўлган туман (шаҳар) ҳамда худудларга тегишли), **1 та** жамоа қолиб кетса, у жамоага топган саволларига бериладиган баллдан ташқари, ҳакамлар томонидан кўшимча **2 та** савол берилади ва ҳар бир савол учун **1 баллдан** тақдим қилинади.

19. Танловнинг **2-шарти “Сардорлар беллашуви”** шарти бўлиб, ушбу шартда барча жамоа сардорлари бир вақтда қатнашишади. Сардорлар мутахассислар томонидан тузилган **10 та** (очик ва ёпиқ) **тест** саволларига жавоб топишлари керак бўлади. Ҳар бир тўғри жавоб учун **0.5 балл** берилади. Тўплаш мумкин бўлган жами балл **5 баллни** ташкил этади.

Шартдаги 10 та савол учун жами **5 дақиқа** вақт ажратилади.

(*Тест саволлари: Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси, жиноят қонунчилигидан, фуқаролик қонунчилигидан, давлат ва ҳуқуқнинг назариясининг умумий асосларидан, “Ўзбекистон 2030” стратегиясидан тенг миқдорда шакллантирилади*).

20. Танловнинг биринчи ёш тоифаси учун (14-18 ёш) **3-шарти “Конституция билимдонлари”** деб аталади. Ушбу шартда жамоалар махсус муҳрланган конверт тортишади. Конвертда ҳуқуқий казус берилади. Жамоалар казусдаги муаммога Конституциянинг қайси моддасига ечим бўлишини аниқлаб, мазкур моддани шарҳлаб беришади.

Мазкур шартда казус билан жамоавий танишиб, тайёрланиш учун **1 дақиқа**, жавоб бериш учун **3 дақиқа** вақт ажратилади ва **5 баллик** тизимда баҳоланади.

21. Танловнинг иккинчи ёш тоифаси учун (18-30 ёш) **3-шарти “Менинг қонунчилик ташаббусим”** шарти бўлиб, бунда жамоалар амалдаги қонунларни ўзгартириш ёки янги норматив ҳужжат қабул қилиш бўйича таклифларини (белгиланган тартиб асосида солиштирма жадвалда амалдаги тахрир, янги таклиф қилинаётган тахрир ва кутиладиган натижа кўринишида) шакллантириб, ҳакамлар ҳайъатига 3 кун олдин тақдим этади (батафсил ўрганиб чиқиш учун) ҳамда танлов жараёнида тақдимот қилиб, тушунтириб, изоҳлаб беради.*

Мазкур шартда тақдимот учун **5 дақиқа** вақт ажратилади ва **5 баллик** тизимда баҳоланади.

22. Танловнинг **4-шарти “Суд мажлислари модели”** деб номланган бўлиб, унда гуруҳлар мамлакатимизда суд ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар, одил судлов тизимини амалга ошириш бўйича амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини суд мажлислари модели орқали кўрсатиб беришлари лозим бўлади.

Танловнинг биринчи ёш тоифаси учун (14-18 ёш) суд мажлиси модели **жиноят ишлари бўйича** (суд мажлиси моделида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-протцессуал кодекси норма ва талаблари тўғри қўлланилиши керак),

Танловнинг иккинчи ёш тоифаси учун (18-30 ёш) **фуқаролик ишлари ҳамда иқтисодий ишлар бўйича** (суд мажлиси моделида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-протцессуал кодекси ва Иқтисодий-протцессуал кодекси норма ва талаблари тўғри қўлланилиши керак) намоиш этилади.

Ушбу шартга биринчи ёш тоифаси учун (14-18 ёш)-**8 дақиқа**, иккинчи ёш тоифаси учун (18-30 ёш) учун **-10 дақиқа** вақт ажратилади ва **5 баллик** тизимда баҳоланади.

23. Танлов шартларида бериладиган саволлар фундаментал амалий-назарий ҳуқуқий фанлар, шунингдек, “Тараққиёт стратегияси”, “Ўзбекистон 2030” стратегияси дастуридаги ҳуқуқий масалалар доирасида ҳуқуқшуносликка ихтисослашган таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда тузилади.

Танлов саволлари тузиладиган қонунчилик ҳужжатлари рўйхати Ёшлар ишлари агентлигининг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларига жойлаштирилади.

Саволлар ташкилий ишчи гуруҳ томонидан сараланиб, танлов кунидан бир кун олдин махсус пакетларга жойлаштирилиб, муҳрланади ва Ёшлар ишлари агентлигида сақланади.

Шунингдек, гуруҳлар ҳуқуқий билимларини юксалтириш ҳамда суд жараёнларида амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида суд залларида танлов юзасидан тайёргарликлар кўриши, белгиланган тартибда машғулотлар олиб боришлари мумкин.

24. Танлов шартларини баҳолаш, ғолиблар ва бошқа иштирокчиларни тақдирлаш ташкилий ишчи гуруҳ томонидан тузиладиган ҳакамлар ҳайъати зиммасига юкланади. Ҳакамларнинг қарори якуний қарор ҳисобланиб, бу борада апелляция аризалари қабул қилинмайди.

Ҳакамлар ҳайъати таркибига Ёшлар ишлари агентлиги, Суд ва прокуратура идоралари, Адлия, Ички ишлар, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа манфаатдор

идораларнинг масъул ходимлари киритилади. Шунингдек, ҳакамлар ҳайъати таркибига қўшимча равишда таълим, маданият ва санъат, ҳуқуқ-тартибот соҳаси вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

25. Танловда I, II, III ўринлар таъсис этилган бўлиб, барча шартлар бўйича умумий баллар қўшиб ҳисобланганда, энг юқори балл тўплаган гуруҳ танловда I ўринни, ундан кейингиси II ва III ўринни эгаллаган ҳисобланади.

Агарда гуруҳлар ўртасида умумий тўпланган баллар тенг келиб қолса, I, II, III ўринларни белгилаш сардорлар беллашуви орқали ҳал этилади.

Бунда умумий баллари тенг бўлган ҳар бир гуруҳ сардорига ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан 10 та блиц саволи берилади. Жавоб бериш учун **1 дақиқа** вақт ажратилади. Саволга тайёрланишга эса вақт берилмайди.

Сардорларнинг берган жавоблари ҳакамлар ҳайъати томонидан **1 баллик** тизимда баҳоланади. 10 та савол натижасига кўра ғолиб белгиланади.

Танловнинг барча босқичларида қабул қилинган қарорлар бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан шарҳ берилмайди ва шикоят қилиш мумкин эмас.

V. Ғолибларни тақдирлаш

26. Танлов ғолиб ва иштирокчиларини тақдирлаш Ёшлар ишлари агентлиги, Олий суд, Адлия, Ички ишлар, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг **I, II, III даражали дипломлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.**

27. Танлов якунига кўра, ҳакамлар ҳайъати томонидан турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг фахрий ёрлик ва совғалари билан рағбатлантирилади.

VI. Якуний қоидалар

28. Танловни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қуйи босқичлари учун маҳаллий ва ҳудудий ҳокимликлари, республика босқичини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

29. Давлат ва нодавлат ташкилотлари танловда ҳомийлик қилишлари мумкин.

30. Мазкур танловнинг маҳалла, сектор, туман (шаҳар) босқичлари билан боғлиқ барча ҳужжатлар (материаллар) Агентликнинг туман (шаҳар) бўлимларида, ҳудудий босқичлари билан боғлиқ ҳужжатлар Агентликнинг ҳудудий бошқармаларида, якуний (республика) босқичи бўйича ҳужжатлар Агентликнинг марказий аппаратида сақланади.